

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ВА
ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 27.06.2017.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

АДИЗОВ БОБИРЖОН ЗАМИРОВИЧ

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ДЕЭМУЛЬГАТОРЛАР КОМПОЗИЦИЯСИНИ
ҚЎЛЛАБ ТУРГУН ЮҚОРИ ҚАТРОНЛИ СУВНЕФТЛИ
ЭМУЛЬСИЯЛАРНИ МИКРОТЎЛҚИНЛИ СУВСИЗЛАНТИРИШ ВА
ТУЗСИЗЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Content of the abstract of dissertation doctor of science (DSc)

Адизов Бобиржон Замирович

Ишлаб чиқилган деэмульгаторлар композициясини қўллаб турғун юкори қатронли сувнефтли эмульсияларни микротўлқинли сувсизлантириш ва тузсизлантириш технологияси..... 3

Адизов Бобиржон Замирович

Технология микроволнового обезвоживания и обессоливания устойчивых высокосмолистых водонефтяных эмульсий разработанными композициями деэмульгаторов..... 29

Adizov Bobirjon Zamirovich

Technology of microwave dehydration and desalting of sustainable high resin water-oil emulsions developed demulsifier compositions..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 59

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ВА
ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 27.06.2017.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

АДИЗОВ БОБИРЖОН ЗАМИРОВИЧ

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ДЕЭМУЛЬГАТОРЛАР КОМПОЗИЦИЯСИНИ
ҚЎЛЛАБ ТУРГУН ЮҚОРИ ҚАТРОНЛИ СУВНЕФТЛИ
ЭМУЛЬСИЯЛАРНИ МИКРОТЎЛҚИНЛИ СУВСИЗЛАНТИРИШ ВА
ТУЗСИЗЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.DSc/T255 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида www.ionx.uz ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Абдурахимов Саидакбар Абдурахмонович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ахмедов Улуғ Каримович
кимё фанлари доктори, профессор

Исматов Дилмурат Нуруллаевич
техника фанлари доктори

Фозилов Садриддин Файзуллаевич
техника фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Фарғона политехника институти

Диссертация ҳимояси Умумий ва ноорганик кимё институти ва Тошкент кимё-технология институти хузуридаги DSc27.06.2017.K/T.35.01 рақамли Илмий кенгашнинг «26» ноябрь 2019 йил соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90, e-mail: ionxanruz@mail.ru).

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (17 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90).

Диссертация автореферати 2019 йил «13» ноябрь куни тарқатилди.
(2019 йил «13» ноябрдаги № 17 рақамли реестр баённомаси).



Б.С. Закиров
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, к.ф.д., проф.

Д.С. Салиханова
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, т.ф.д., проф.

Ш.С. Намозов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси ўринбосари,
т.ф.д., проф., академик

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда қазиб олинмиши қийин бўлган нефт захираларининг кўпайиб бориши, қатламларнинг сувланиши ва сирт фаол моддалар (СФМ) ҳайдалинилаётган нефт конларини ишлатиш йилдан йилга ортиб бормоқда. Нефт конларининг маҳсулдор қатламларини сувланиши нефтни қазиб олиш, йиғиш ва тайёрлаш технологиясида анча муаммолар келтириб чиқаради. Шу сабабли, бу муаммолар турғун сувнефтли эмульсияларни (СНЭ) ҳосил бўлишига имкониятлар яратади ва уларни парчалаш муаммоларини орттириб боради. Бундай СНЭларни нефтни қайта ишлаш заводларига ташиш оқилона ҳисобланмайди, шунинг учун ташилаётган эмульсиянинг ҳажми ортиб бориши билан капитал ва ишлаб чиқариш харажатлари ортиб боради. Шу сабабли уларни конларда қатлам сувидан, минерал тузлардан, механик аралашма ва ҳ.к. лардан тозалаш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳон амалиётида бундай турғун эмульсияларни парчалаш мураккаб жараён бўлиб, ҳар бир ҳолатда ажратишнинг энергиятежамкор ва юқори самарадор технологияни ишлаб чиқишда қуйидаги илмий йўналишлар бўйича ечимларни асослаш: турғун СНЭ тузсизлантириш ва сувсизлантириш технологиясини такомиллаштириш; янги турдаги деэмульгаторлар ёки уларни композицияларини яратиш; СНЭ сувсизлантиришда микротўлқинли нурланиш таъсирининг термохимёвий қонуниятларини ўрганиш; деэмульгаторлар композициялари ва электрофизикавий таъсир усулларини қўллаган ҳолда турғун СНЭ сувсизлантириш ва тузсизлантиришнинг мақбул шароитларини ишлаб чиқиш зарур.

Бугунги кунда Республикада турғун СНЭ парчалашда СФМ, электрофизикавий ва қимматбаҳо импорт қилинадиган деэмульгаторлар сарфини камайтириш ҳамда маҳаллий иккиламчи хом-ашё асосида СФМ яратиш соҳасида муҳим назарий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида «юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатдан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш»¹ вазифалари белгилаб берилган. Бу борада, жумладан, импорт ўрнини босувчи деэмульгаторлар ва уларнинг композициялари ҳамда электрофизикавий усулларни қўллаш орқали турғун СНЭларни сувсизлантириш ва тузсизлантириш жараёнларини такомиллаштиришга йўналтирилган тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги ПФ-5646-сон «Ўзбекистон Республикасининг ёқилғи-энергетика саноати бошқарув тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда бешта устувор йўналишлар бўйича ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947-сон фармони

фармони, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3236-сон «2017-2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарори, ҳамда мазкур соҳа фаолиятига тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технология ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи. Нефт эмульсияларини сувсизлантириш ва тузсизлантириш технологиясини такомиллаштириш, ҳамда турғун СНЭларни парчалаш учун деэмульгаторлар композициясини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, University of Cincinnati, California Institute of Technology (АҚШ), Heriot Watt Institute of Petroleum Engineering (Буюк Британия), Norwegian University of Science and Technology (Норвегия), Japan Petroleum Institute, Tokyo National University (Япония), French Petroleum Institute (Франция), Уфа давлат нефт техник университети (Бошқирдистон), И.М. Губкин номидаги Россия давлат нефт ва газ (МГУ) университети (Россия), И. Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети, Тошкент кимё технология институти ва Умумий ва ноорганик кимё институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Жаҳонда нефт эмульсияларини сувсизлантириш ва тузсизлантириш жараёнларини жадаллаштириш ва нефтни тайёрлаш қурилмаларини такомиллаштиришга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: сувнефтли эмульсияларни парчалайдиган кавитацион қурилма ишлаб чиқилган (АҚШ, Texas A&M University: Harold Vance Department of Petroleum Engineering); роторли-пульсацион акустик қурилма ёрдамида нефт эмульсияларининг эмульсион ва реологик хусусиятлари аниқланган (Россия, Альметьевск давлат нефт институти); ИҚ-сенсор ёрдамида хом нефтни сувсизлантиришни назорат қилишнинг экспресс усули ишлаб чиқилган (Россия, Урал давлат техника университети-УПИ); спиртли ва органик эритувчилар асосида олинган янги СФМ Сондем-4301,-4401,-4701,-4702, катионоактив, анионоактив ва ноионоген деэмульгаторлари яратилган (Россия, “Нефтехим тажриба заводи” ЁАЖ ва АҚШ, "Champion Technologies, Inc"); флокуляция ва бирлашиш тезлигининг константасини, ҳамда эмульсияни парчалаш механизмини аниқлаш учун тезлик константалари прогнозлаш математик моделлари ишлаб чиқилган (Малайзия, School of Engineering, Taylor's University Lakeside Campus).

Дунёда турғун СНЭларни сувсизлантириш ва тузсизлантириш муаммоси бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб

борилмоқда: нефтларни сувсизлантириш ва тузсизлантиришнинг энергия ва ресурстежамкор технологияларини ишлаб чиқиш; СНЭ парчалашнинг мавжуд технологияларини такомиллаштириш; деэмульгаторлар ҳамда уларнинг турли хил композицияларни яратиш; деэмульгаторлар олиш усулини ишлаб чиқиш; таркибини такомиллаштириш; уларнинг деэмульсациялаш хусусиятларини аниқлаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Турғун СНЭ парчалаш, деэмульгаторлар яратиш, нефт эмульсияларини коллоид-кимёвий хусусиятларини ўрганиш соҳасида тизимли мақсадга йўналтирилган тадқиқотлар Manar E.A., Priscila M., Аль-Обайди А.Х., Djon B., Georgios D., Jean-Francois A., Jean-Louis S., Kitchener J.A., Masselvayt P.R., Filip Sh., Tetsuya H., Abramzon A.A., Ребиндер П.А., Лутошкин Г.С., Тронов В.П., Хамидулин Р.Ф., ва бошқаларнинг илмий мактаблари томонидан фаол олиб борилган.

Маҳаллий нефтларнинг кимёвий таркиби коллоид-кимёвий хусусиятлари Ходжаев Г.Х., Абидова М.Ф., Рябова Н.Д., Дмитриев П.П., Хамидов Б.Н., Нарметова Г.Р., Сайдахмедов Ш.М. ва бошқалар томонидан ўрганилган. Салимов З.С., Абдурахимов С.А., Атауллаев Ф.Ш., Салиханова Д.С., Эшметов И.Д. ва бошқаларнинг ишларида турғун СНЭ парчалаш жараёнини жадаллаштиришнинг комбинацион усулида электрофизикавий усулларни қўллаш тавсия этилган.

Шуни таъкидлаш керакки, ёғ-мой саноатининг иккиламчи хомашёси асосида ноионоген ва ионоген СФМлар олиш технологиясини яратиш ва янги турдаги деэмульгаторлар композициясини ишлаб чиқиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари бугунги кунгача амалга оширилмаган. Нефт қазиб чиқариш саноатида импорт деэмульгаторларни қўллаш қимматга тушмоқда. Ушбу диссертация ишида иккиламчи хомашё асосида ноионоген деэмульгаторлар олиш ва ўрганиш, ҳамда микротўлқинли нурлантиришни қўллаб турғун нефт эмульсияларини парчалашда деэмульгаторлар композициясини яратиш муаммоларни ҳал этиш ушбу саноатда техник-иқтисодий кўрсаткичларни ошириш имконини беради.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Умумий ва ноорганик кимё институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-А13-Т131 «Ўсимлик хом ашёсини қайта ишлаш маҳсулоти ҳамда рангли металлургия ва нефт-газнинг қайта ишлаш чиқиндиларини технологик эритмаларини адсорбцион тозалаш технологияси» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ишлаб чиқилган деэмульгаторлар композициясини қўллаб турғун юқори қатронли СНЭларни микротўлқинли сувсизлантириш ва тузсизлантириш технологиясини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

маҳаллий турғун юқори қатронли СНЭ ва улардан олинадиган маҳсулотларнинг таркиби ва коллоид-кимёвий хусусиятларини аниқлаш;

оғир нефтлардан турғун СНЭ ҳосил бўлиш механизми ва уларнинг коллоид-кимёвий хусусиятларини таҳлил қилиш;

қатлам сувларидаги минерал тузлар таркиби ва миқдорини аниқлаш;
турғун СНЭ парчалаш учун таннархи паст бўлган деэмульгаторлар олишда ёғ-мой саноатининг иккиламчи хом-ашёсини танлаш;

турғун СНЭ парчалашда самарадор деэмульгаторлар ва уларнинг композицияларини олишни илмий асослаш ва мақбул шароитларини аниқлаш;
юқори қатронли СНЭ сувсизлантириш ва тузсизлантириш жараёнларига ишлаб чиқилган композиция ва микротўлқинли нурланишнинг таъсирини аниқлаш;

ишлаб чиқилган деэмульгаторлар композицияси ҳамда микротўлқинли нурлантиришни қўллаб юқори турғун СНЭларни парчалаш жараёнини оптималлаштириш;

маҳаллий турғун СНЭ сувсизлантириш ва тузсизлантиришни яратилган технологиясини саноатда тажрибадан ўтказиш ва уни саноатда қўллашдан кутилаётган иқтисодий самарадорликни аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти. «Жаркўрғон» НҚЭ, «Газли» НЙП, «Хонқиз», «Андижон» ва «Мингбулоқ» НТҚ ва ҳ.к. лардаги маҳаллий турғун СНЭ, ҳамда ионоген ва ноионоген СФМлардан иборат деэмульгаторлар композицияларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети ишлаб чиқилган деэмульгаторлар композицияси ва микротўлқинли нурлантиришни қўллаб СНЭларни сувсизлантириш ва тузсизлантириш технологияси қонуниятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Физик-кимёвий ва коллоид-кимёвий, ИҚ-спектроскопия, электрон-микроскопик таҳлилларнинг замонавий усуллари ва тадқиқот маълумотларини MS Word, MS Excel и Matlab компьютер дастурлари асосида ҳисоблаш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк маротаба турғун юқори қатронли СНЭларни парчалашнинг микротўлқинли ва термокимёвий комбинацион усули ишлаб чиқилган;

Жаркўрғон, Шўрчи, Миршоди, Жарқоқ ва бошқа конлар турғун СНЭларининг таркиби ва коллоид-кимёвий хусусиятлари аниқланган;

СНЭларнинг агрегатив барқарорлиги уларда кўп миқдорда қатрон, асфальтен, парафин, минерал тузлар, шунингдек эмульгатор ролини бажарувчи ва оралик қатламларда жойлашган гидрофоб химоя қобикларини ҳосил қилиши тузилмали-механик тўсиқ вазифасини бажарувчи, сув томчиси чегара пленкаларини юпқаланишига кучли таъсир кўрсатадиган механик аралашмаларнинг мавжудлиги аниқланган;

илк бор янги Д серияли деэмульгаторлар (Д-1, Д-2, Д-3) пахта соапстоки хом ёғ кислоталарининг алоҳида фракциялари асосида метанол ёрдамида этерификация қилиш орқали синтез қилинган;

пахта гудронини совунлантириш натижасида турғун СНЭларни парчалашда юқори флокуляцияловчи хусусиятга эга бўлган СФМлар олинган;

юқори қатронли турғун СНЭларни парчалашда ионоген ва ноионоген СФМлар асосида ишлаб чиқилган композициялар эмульсия таркибидаги

қатрон, асфальтен, парафин, минерал тузлар ва ҳ.к. миқдорига боғлиқ ҳолда қўллаш мақсадга мувофиқлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ишлаб чиқилган деэмульгаторлар композициясини қўллаб турғун СНЭларни микротўлқинли сувсизлантириш ва тузсизлантиришнинг технологияси ишлаб чиқилган.

маҳаллий нефтларнинг турғун СНЭларини микротўлқинли парчалаш учун деэмульгаторлар техник шартлари ва уларни қўллашнинг технологик регламенти ишлаб чиқилган.

нефтни сувсизлантирувчи ионоген деэмульгаторга ташкилот стандарти ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Физик-кимёвий ва коллоид-кимёвий таҳлил асосида олинган натижалар, лаборатория ва саноат-тажриба синовидан ўтганлиги билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг натижаларини илмий аҳамияти маҳаллий турғун СНЭларни сувсизлантириш ва тузсизлантиришнинг микротўлқинли ноанъанавий технологияси асослари яратилиши ва ушбу жараёнлар механизмлари тўғрисида илмий билимлар ривожлантирилиши билан изоҳланди. Турғун СНЭларни парчалашнинг термокиёвий ва электрофизик комбинацион усуллари маҳаллий нефтларни сувсизлантириш ва тузсизлантириш жараёнларини жадаллаштириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти таклиф этилаётган мақбул шароитларда турғун СНЭларни сувсизлантириш ва тузсизлантиришнинг микротўлқинли технологиясини яратиш ҳисобланади. Ушбу технологияни қўллаш турғун СНЭларни парчалаш жараёнини 2,5-3 мартаба жадаллаштиради ва деэмульгатор сарфини 1,3 мартагача камайтиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ишлаб чиқилган деэмульгаторлар композицияси ҳамда микротўлқинли нурлантиришни қўллаб юқори қатронли турғун СНЭларни сувсизлантириш ва тузсизлантириш технологиясини яратиш бўйича олинган натижалари асосида:

ёғ-мой саноатининг иккиламчи хомашёси асосида нефтни сувсизлантириш учун ионоген деэмульгатор олишнинг технологик шартлари «Ўзстандарт» агентлиги томонидан тасдиқланган (Ts 17088447-03:2019). Мазкур техник шарт маҳсулотнинг сифати ва технологик жараённи назорат қилиш имконини берган.

СНЭ сув томчилари юзасидаги химоя қобиғидан механик аралашмаларни ажратиш учун пахта гудронини совунлантириш йўли билан флокулловчи совунсимон СФМлар олиш технологияси “Жарқўрғоннефть” АЖда амалиётга жорий этилган (“Ўзнефтьгазқазибчиқариш” АЖнинг 2019 йил 12 июлдаги 02/17-1584Ж-сон маълумотномаси). Натижада нефтларни сувсизлантириш ва тузсизлантиришда импорт деэмульгаторлар ўрнини маҳаллий хомашёларга алмаштириш имконини берган;

Юқори қатронли ва минераллашган нефтларни деэмульгирлаш учун ионоген ва ноиноген деэмульгаторлар композициясини олиш ва қўллаш технологияси “Жарқўрғоннефть” АЖда амалиётга жорий этилган (“Ўзнефтьгазқазибчиқариш” АЖнинг 2019 йил 12 июлдаги 02/17-1584Ж-сон маълумотномаси). Натижада деэмульгаторлар сарфини 30-40 % га камайтириш имконини берган;

ишлаб чиқилган деэмульгаторлар композицияси ҳамда микротўлқинли нурлантиришни қўллаб қатронли ва парафинли турғун СНЭларни сувсизлантириш ва тузсизлантиришнинг комбинацион технологияси “Газлинефтьгазқазибчиқариш” МЧЖда амалиётга жорий этилган (“Ўзнефтьгазқазибчиқариш” АЖнинг 2019 йил 12 июлдаги 02/17-1584Ж-сон маълумотномаси). Натижада сувсизлантириш 1,3-1,5 марта ва тузсизлантириш жараёни 1,1-1,2 мартагача вақтларини қисқартириш имконини берган;

ПС ХЁК ЛОФ асосида ноиноген ва ПГ совунлантириш йўли билан ионоген деэмульгаторлар олиш ва улар асосида деэмульгаторлар композициясини яратиш ҳамда турғун СНЭларни парчалашда микротўлқинли нурлантириш билан биргаликда қўллашга оид маълумот ва хулосалар Тошкент давлат техника университети бакалаврларига мўлжалланган «Нефть ва газ технологияси» дарслиги мазмунига сингдирилган (Гувоҳнома 744-458). Натижада бакалавр ва магистрларнинг нефть эмульсияларини парчалаш соҳасида билимларини бойитиш ва мустаҳкамлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот ишининг натижалари 11 та халқаро ва 13 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 36 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 188 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Турғун сувнефтли эмульсияларни сувсизлантириш ва тузсизлантириш технологиясининг ҳозирги ҳолати ва уларни жадаллаштириш усуллари» деб номланган биринчи бобида турғун СНЭ ҳосил бўлишининг асосий қонуниятлари, эмульгаторларга боғлиқ ҳолда СНЭ хусусиятининг ўзгариши, турли хил турғунлик ва физик-кимёвий хусусиятли СНЭ сувсизлантириш ва тузсизлантириш жараёнларини ривожлантириш ҳамда, турли хил таркиб ва хусусиятли барқарор сув томчиларини парчалаш учун қўлланиладиган СФМ яъни деэмульгаторлар масалалари ва тенденциялари ҳолати шунингдек, нефтни конларда қайта ишлашга тайёрлаш жараёнларини жадаллаштиришда турли хил ташқи таъсир усуллари кўриб чиқилган. Сувсизлантириш ва тузсизлантиришнинг мавжуд бўлган усуллари ўрганилди ва илмий-техник адабиётлар таҳлил қилинди.

Диссертациянинг «Сувнефтли эмульсиялар ва улардан олинadиган нефтларни таҳлил қилиш усуллари, эксперимент техникаси» деб номланган иккинчи бобида сувсизлантириш ва тузсизлантириш лаборатория қурилмаси тавсифи, нефтларни таҳлил қилишнинг асосий усуллари, маҳаллий нефтлар ва СНЭ дастлабки кўрсаткичлари бўйича маълумотлар келтирилган. Хуодак ва Чегара конлари нефтларининг физик-кимёвий ўрганиш натижалари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Жарқўрғон нефтларининг физик-кимёвий хусусиятлари

Нефт кўрсаткичлари	Хаудаг кони	Чегара кони
Зичлик 20 °С да, кг/м ³	977,1	918,3
Кинематик қовушқоқлик, мм ² /с	50 °С да 80 °С да	28,4 ---
Шартли қовушқоқлик, ВУ-80	51	2,8
Қотиш ҳарорати, °С	22	14
Коксланиши, % масс	11,7	5,4
Таркиби, % масс:		
-асфальтенлар	9,2	2,1
-қатрон	50,4	25,3
-парафинлар	3,8	6,7
-олтингугурт	3,6	1,7
-сув	2,8	2,5
-механик аралашмалар	0,009	0,016
Учқунланиш ҳарорати, °С	164	71
3А+С-2.5П битум олиш мумкинлиги	50,1	10,6
Фракцион таркиб, % масс НК	256	117
200 °С гача	0	6
250 °С гача	0	10,0
300 °С гача	4	15,5
350 °С гача	13	26,0
400 °С гача	24	47,5
450 °С гача	32,5	61,0

Кўриниб турибдики Жарқўрғон нефтлари асосан турли хил марқадаги битумлар ишлаб чиқаришга яроқли ҳисобланади. Улар юқори сувланганлиги, турғун эмульсия эканлиги ҳамда сувсизлантириш ва тузсизлантиришнинг мураккаблиги билан ажралиб туради.

Ўзбекистоннинг асосий конлари нефтларининг физик-кимёвий характеристикалари 2-жадвалда кўрсатилган.

2-жадвал

Ўзбекистоннинг асосий конлари нефтларининг физик-кимёвий характеристикалари

Кон номи	Зич-лик, кг/м ³	Қотиш харо-рати, °С	Алоҳида компонентлар улуши, % масс				
			Олтин-гургурт	Асфаль-тен	Кокс	Парафин	Силика-гелли қатрон
Кокдумалоқ	873	-10	2,09	2,90	7,4	3,8	4,68
Шимолий Ўртабулоқ	877	-18	3,25	2,30	4,9	5,7	10,3
Крук	868	-19	1,25	0,25	3,6	8,0	9,6
Жанубий Оламушук	849	+5	-	0,58	2,5	21,3	10,3
Андижон	858	+7	0,26	1,50	4,37	13,4	8,6
Амударё	998	+24	9,3	49,0	8,90	6,6	59,2
Лалмикор	958	+18	3,6	9,80	3,25	2,2	27,8
Кўштор	937	+28	8,1	4,8	5,03	6,2	23,9
Кокайты	954	+17	4,25	8,8	4,76	1,4	30,9
Миршоди	961	+4	3,40	8,35	13,83	7,8	38,69
Варик	869	+10	-	0,96	3,12	12,3	14,00
Хонқиз	894	+20	-	2,08	5,29	11,5	17,6

Қазиб олинаётган нефтларнинг таркиби олтингургурт, асфалтенлар, парафинлар, силикагел қатронлар ва ҳ.к. лар миқдорига кўра кескин фарқ қилиши жадвал-2 дан кўриш мумкин. Таркибида асфальтенлар, парафинлар ва силикагел қатронлар кўп бўлган нефтлар одатда турғун СНЭ ҳосил қилади, уларни парчалаш узоқ вақт ва катта харажат талаб этади.

Республикада қазиб олинаётган нефтлар таркиби ва хусусиятларини таҳлил қилиб, баъзи конлар нефтлари таркибида турғун СНЭлар ҳосил қилувчи СФМ (асфальтенлар, қатрон, парафин ва ҳ.к.) анча кўп миқдорда эканлиги, уларнинг барқарорлигини таъминлайди деган хулосага келиш мумкин. Шу билан бирга, маҳаллий СНЭларни барқарорлигини таъминловчи дисперс механик аралашмалар таркиби ва хусусиятлари тўлиқ ўрганилмаган.

Диссертациянинг «**Маҳаллий нефтлар ва уларнинг сувнефтли эмульсияларини кимёвий таркиби ва коллоид-кимёвий хусусиятларини ўрганиш**» деб номланган учинчи бобида қудуқларда ва конларда турғун эмульсияларни ҳосил қилувчи омиллар ўрганилган, маҳаллий нефтлар ва уларнинг СНЭ кимёвий таркиби ва коллоид-кимёвий хусусиятларини ўрганиш бўйича маълумотлар келтирилган.

Бугунги кунда нефтни бирламчи тайёрлаш (сувсизлантириш ва тузсизлантириш) да турли хил конлардан олинган нефтлар аралаштирилади, бу эса қимматбаҳо хомашёни йўқотилишини вужудга келтиради.

Нефтнинг таркибида сув бўлиши ва унинг миқдори нефтнинг физик-кимёвий хусусиятларини ўзгартиради.

Мисол тариқасида 20 °С хароратда СНЭларнинг динамик қовушқоқлигини ўзгариши 1 ва 2 расмларда келтирилган.

Нефт таркибида сув миқдори (50% гача) ортиши билан унинг динамик қовушқоқлиги кескин ортиши 1 ва 2 расмлардан кўриниб турибди. Бундан

Маҳаллий нефтлар ва уларнинг эмульсияларини 20 °С даги қовушқоқликларини қиёсий натижалари 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал


Маҳаллий нефтлар ва уларнинг эмульсияларини 20 °С даги қовушқоқликларини қиёсий натижалари

Кон номи	Нефть		50%-ли эмульсия
	Зичлик 20 °С да, кг/м ³	Қовушқоқлик 20 °С да, мПа·с	Қовушқоқлик 20 °С да, мПа·с
Кўкдумалоқ (назорат)	864	14,1	50,5
Зеварда	869	14,3	54,3
Жарқоқ	873	15,9	90,1
Шўрчи	878	16,2	92,8
Мингбулоқ	895	26,2 ^{X)}	100,4
Жарқўрғон	928	29,1 ^{X)}	122,5


Изоҳ: ^{X)} 50⁰ да.

3-жадвалдан кўришиб турибдики 50 % ли эмульсияларнинг қовушқоқлиги Кўкдумалоқ конида – 3,6 марта, Зевардада – 3,8 марта, Жарқоқда – 6,7 марта, Шўрчида – 5,7 марта, Мингбулоқда – 3,8 марта ва Жарқўрғонда 4,2 мартага ортади.

Қудуқдан қазиб олинаётган маҳсулот таркибидаги СФМ миқдори ва Рейнольдс (Re) меъзони катталигига боғлиқ ҳолда турли ўлчамдаги сув томчиларини пайдо бўлиш қонуниятларини ўргандик (4-расм).



4-расм. Қудуқ маҳсулотини ташишда Re сонига боғлиқ ҳолда сув томчилари диаметри (D) нинг ўзгариши: 1-маҳсулотга СФМ аралаштирмасдан (назорат); 2-маҳсулотга 1 % СФМ аралаштириб; 3-маҳсулотга 3% СФМ аралаштириб



5-расм. Қудуқ маҳсулоти таркибидаги СФМ миқдори ва сув томчилари диаметрига (D) боғлиқ ҳолда турғун СНЭ парчаланиш вақтининг (τ) ўзгариши: 1-СФМсиз (назорат); 2-маҳсулотга 1 % СФМ аралаштириб; 3-маҳсулотга 3% СФМ аралаштириб

Рейнольдс сони 2300 дан 2600 гача ортиб бориши билан (СФМ аралаштирмасдан) сув томчиси диаметри 35 дан 26 мкм гача (1 чизик) бир оз камайиши, қудуққа 1 % СФМ ҳайдалса сув томчиларининг диаметри 35 дан 16 мкм гача кичрайиши (2 чизик), қудуққа 3 % СФМ ҳайдалса сув томчиларининг диаметри 35 дан 3 мкм гача кичрайиши 4-расмдан кўришиб турибди. Кейинчалик Re сони ортиб бориши билан уччала ҳолатда ҳам сув томчилари диаметри деярли ўзгармай, бу эса турли хил ўлчамдаги сув томчиларидан

иборат турғун СНЭ ҳосил бўлиши тугаганидан далолат беради. Қудуққа ҳайдалган 1 дан 3 % СФМ эмульгатор вазифасини бажариб, жуда кичик диаметри сув томчилари ҳосил бўлишини таъминлайди, натижада турғун СНЭни парчалаш жараёнини мураккаблаштиради.


Маълумки, турғун СНЭни парчалаш жараёни самарадорлигининг асосий кўрсаткичи уларни парчалаш вақти (τ) ҳисобланади, бу сув томчилари диаметри ва қудуқ маҳсулоти таркибидаги СФМ миқдорларига боғлиқ.

Ушбу кўрсаткичларни “Жарқўрғоннефть” АЖ да олинган натижалари 5-расмда келтирилган.


Тадқиқотнинг уччала ҳолатида ҳам сув томчиси диаметри ортиб бориши билан турғун СНЭ парчалаш вақти кескин камайиши 5-расмдан кўриниб турибди. Бунда, 1% СФМ (2 чизик) ёки 3 % СФМ (3 чизик) аралаштириш СФМ аралаштирмаган (1 чизик) ҳолга нисбатан турғун СНЭ парчалашга кўп вақт талаб этади. Бунинг сабаби, СФМ аралаштириш кичик ўлчамли сув томчиларини ҳосил қилади, бундай томчиларни резервуарлар тубига чўкиши қийин.

Қудуқ устидаги босим ва ҳарорат ҳам турғун эмульсиялар ҳосил бўлиши жараёнига таъсир кўрсатади, бу сув глобулаларини майдаллашиб бориши билан тасдиқланади.

Шу сабабли биз қудуқ маҳсулоти ҳароратини турғун сувнефтли эмульсиялар ҳосил бўлишига таъсирини ўргандик. Қудуқдан олинаётган маҳсулотдаги сув томчилари диаметрининг ҳароратига боғлиқ ҳолда ўзгариши 6-расмда тасвирланган. Бунда СНЭ ҳаракати Re меъзони 2500-2600 ораликда ўзгариб турган.



6-расм. Қудуқ маҳсулотига СФМ аралаштириб ва СНЭ ҳароратга боғлиқ ҳолда сув томчилари диаметрининг (D) ўзгариши: 1 - СФМсиз; 2- СФМ 1% аралаштириб; 3 - СФМ 3% аралаштириб



7-расм. Қудуқ маҳсулоти ҳароратига боғлиқ ҳолда СНЭ парчалаш вақтининг (τ) ўзгариши: 1-СФМсиз; 2- СФМ 1% аралаштириб; 3- СФМ 3% аралаштириб

СНЭ ҳарорати 50 дан 90 °C гача ортиб бориши билан қудуқ маҳсулотига СФМ аралаштирмасдан (назорат) сув томчилари диаметри 1 ва 3 % СФМ аралаштирганга нисбатан камроқ камаяди (6-расм).

Маълумки СНЭ ҳарорати НТҚ тиндирувчи резервуарларида уни парчалаш вақтига таъсир қилади. Аммо ҳарорат ва қудуққа СФМ қўшишнинг биргаликдаги таъсири бундай тадқиқотни ташкил этишнинг мураккаблиги сабабли ўрганилмаган.

Шуни эътиборга олиб, юқорида айтиб ўтилган иккала омилни турғун СНЭ парчалаш вақтига биргаликда таъсирини ўрганишга ҳаракат қилдик.

“Жарқўрғоннефт” АЖ да қудуқларга СФМ қўшиб ва СФМсиз (назорат) СНЭ парчалаш вақтини аниқлашдан олинган натижалари 7-расмда келтирилган.

Қудуқдан олинаётган маҳсулот ҳарорати ортиши билан ҳар учала ҳолатда ҳам барқарор СНЭ парчаланиш вақти (τ) экспоненциал камайиб боради. Бундан ташқари, қудуқ маҳсулотига СФМ йўқлигида (1 чизик) турғун СНЭ парчалаш вақти (τ) қисқалиги ва аксинча, қудуқ маҳсулотига 3 % СФМ аралаштирилганда (3 чизик) СНЭ парчалашга кўп вақт талаб этилади (7-расм).

Маҳаллий СНЭдан ажратиб олинган қатлам сувларидаги минерал тузларнинг кимёвий таркибини ўргандик (4-жадвал).

4-жадвал

Маҳаллий СНЭдан ажратиб олинган қатлам сувларидаги минерал тузларнинг кимёвий таркиби

Кон номи	Туз миқдори, мг/л			
	NaCl	MgCl ₂	CaCl ₂	NaOH
Кокдумалоқ	245	51	101	10,5
Зеварда	310	43	96	8,2
Жарқоқ	282	75	115	16,4
Шўрчи	265	63	90	21,3
Мингбулоқ	344	88	124	10,8
Жарқўрғон	313	69	115	6,4

Маҳаллий нефтларнинг СНЭдан ажратиб олинган қатлам сувларидаги эриган тузларнинг асосий улуши натрий, магний ва кальций хлорли эканлиги 4-жадвалдан кўриниб турибди. Ишқорий ва ишқорий ер металлларининг йод ва бромли тузлари, натрий, темир, кальций сульфидлари, ванадий ва мишьяк тузлари, германий ва бошқа юзлаб тузлар, мингдан бир ва ундан кичикроқ фоизларда бўлади. Шу сабабли қатлам сувларининг минераллик даражаси кўпинча бирлик ҳажмдаги хлор ионларининг миқдорини қайта ҳисоблаш йўли билан натрий тузларининг эквивалентида ўлчанади.


Қатлам сувининг рН нейтрал қийматидан ($\text{pH}=7,0$) кислотали ($\text{pH}\leq 3$) ёки ишқорли ($\text{pH}\geq 9$) муҳитга ўзгартириш дисперс системанинг, яъни сув томчисининг барқарорлигини камайтиради. СНЭнинг энг юқори барқарорлиги нейтрал муҳитда, яъни $\text{pH}=7,0$ да кузатилади.

Шуни эътиборга олган ҳолда, биз “Жарқўрғоннефть” АЖ конларидан олинган СНЭ намуналарига қараб агрегатив барқарорлик ўзгаришини ўргандик (8-расм).


СНЭ барқарорлиги асосан қатлам сувидаги ишқорий ва камроқ хлорли тузлар миқдорига боғлиқлиги 8-расмдан кўриниб турибди.

«Жарқўрғоннефть» АЖ конлари нефтларидаги минерал тузларга боғлиқ равишда агрегатив барқарорликни ўзгариши 9-расмда кўрсатилган.


Хлорли ва ишқорли тузларнинг қолдиқлари миқдорлари ҳам СНЭ барқарорлигига таъсир кўрсатишини 9-расмдан кўришимиз мумкин. Бундан ташқари, «Жарқўрғоннефть» АЖ конлари нефтлари таркибидаги қолдиқ ишқорий тузлар жуда катта таъсир кўрсатади, хлорли тузлар анча камроқ.



8-расм. «Жарқўргоннефть» АЖ конлари СНЭ намуналаридаги хлорли (2 чизик) ишқорий (3 чизик) тузларнинг миқдорига кўра агрегатив барқарорликни ўзгариши



9-расм. «Жарқўргоннефть» АЖ конлари нефт намуналаридаги хлорли (2 чизик) ишқорий (3 чизик) тузларнинг миқдорига кўра агрегатив барқарорликни ўзгариши




10-расм. «Жарқўргоннефть» АЖ конлари сувлари намуналаридаги хлорли (2 чизик) ва ишқорий (3 чизик) тузлари миқдорига кўра агрегатив барқарорликни (1 чизик) ўзгариши

«Жарқўргоннефть» АЖ конлари нефтлари СНЭ агрегатив барқарорлигини қатлам сувларидаги хлорли ва ишқорли тузларга миқдорида боғлиқ ҳолда ўзгариши 10-расмда келтирилган.

СНЭнинг агрегатив барқарорлигига қатлам сувидаги хлорли тузлар жуда катта ва ишқорийлар кам таъсир кўрсатиши 10 расмдан кўриниб турибди. Буни бизнинг дастлабки маълумотларимиз ҳам тасдиқлайди.

Диссертациянинг «Термокимёвий ва микротўлқинли таъсир қилиш усулларида фойдаланиб турғун сувнефтли эмульсияларни парчалашни тадқиқотлаш» номли тўртинчи бобида турғун СНЭ парчалашнинг термокимёвий ва микротўлқинли усуллари ўрганилган.

Тадқиқот давомида деэмульгатор аралаштирилган СНЭ намуналарини тиндириш ҳарорати (20 °С) дан ишлаб чиқаришда қўлланилаётган (70 °С) гача 10 градусга ошириб бориш билан амалга оширилди (11-расм).




11-расм. Ҳарорат 20 дан 70 °С гача бўлганда СНЭ дан ажралиб чиққан сув миқдори

Деэмульгатор аралаштиригандан сўнг 50°С га қиздирилган барча намуналарда эмульсияни парчалаш самарадорлигини ортишининг умумий мойиллиги кузатилганлиги 11-расмдаги гистограммадан кўриниб турибди.

ДИН-10, Рандем-2201 ва ФЛЭК деэмульгаторлари 50° С ҳароратда энг яхши натижалар кўрсатди. Кейинчалик ҳарорат ортиши билан бу деэмульгаторларнинг деэмульсациялаш хусусияти пасайиши кузатилди. Шундай қилиб, 50°С да ДИН-10 17 мл, 60°С ва 70°С да мос равишда 15 ва 13 мл сув ажратди. Бироқ, ҳарорат 10 °С ортганда ажралиб чиқадиган сув миқдори деярли 1,5 мартага камайди.

Маълумки, СНЭ микротўлқинли нурлантиришда 3 дан 6 тагача (мультимодли ва мономодли) модлар ҳосил бўлади ва унинг тўлиқ ҳажмий қизишини таъминлайди. Бундан ташқари, СНЭдаги ЭМ майдон жадаллиги турлича «иссиқ ва совуқ» зоналар мавжуд бўлади, чунки улар қисқа вақтда ҳарорат бўйича стабиллашади.

ЎЮЧ-қурилма элементларига кўра микротўлқинли нурлар (МТН) ҳаракати 12-расмда келтирилган.



12-расм. СНЭ ҳажми бўйича модлар ва улар ҳаракатининг кўриниши:
а – МТН мультимодли ҳаракати;
б – МТН мономодли ҳаракати;
1 – магнетрон; 2 – тўлқин узатгич;
3 – СНЭ


Мультимодли нурланишда (а) ЭМ оқимлари аппаратнинг деворларига урилиб маълум бир қарама-қарши йўналишда ҳаракатланади, бунда ЭМ оқимларнинг кўп тартибсиз ҳаракатлари (сўнгунга қадар) вужудга келади ва мономодли кўринишида ЭМ оқимлар асосан бир йўналишда ҳаракат қилиши деярли нурлантириш тезлиги ўзгармаслиги 12-расмдан кўриниб турибди.

Бугунги кунда нефт ва уларнинг эмульсиялари қовушқоқлигини ўзгаришига микротўлқинли нурланишнинг таъсири ўрганилмаган, бу уларнинг сувсизлантириш, тузсизлантириш ва ташиш жараёнларида ЎЮЧ – технологияларни кенг қўллашни чеклашга сабаб бўлмоқда. Ушбу вазиятни эътиборга олган ҳолда биз микротўлқинли нурланишни маҳаллий нефтлар ва уларнинг СНЭларини қовушқоқлигига таъсирини ўргандик.


Тажрибалар СНЭ К-1 (ХХР) деэмульгаторини 50 г/т миқдорда ва аралаштириш 60 айл/мин. да 5 минут давомида олиб борилди. Натижалар 13-расмда келтирилган.

Микротўлқинли нурланиш (МТН) қувватининг (W) 600 Вт гача ортиб бориши билан маҳаллий нефтларнинг СНЭларини қовушқоқлиги сезиларли даражада пасайиб боради ва кейинчалик стабиллашади, яъни нурланиш қуввати 500 Вт дан юқори бўлганда барча намуналарда ҳам деярли ўзгармаслиги 13-расмдан кўриниб турибди. Нефтларнинг СНЭлари қовушқоқлигини пасайиши ўртача Жарқўрғон (1) – 1,4 марта, Шўрчида (2) – 1,3 марта ва Жарқоқ конида (3) – 1,2 мартани ташкил этди.

Худди шу шароитларда микротўлқинли нурланиш қувватига боғлиқ ҳолда маҳаллий нефтларнинг қовушқоқлигини ўзгаришини ўрганиш қизиқиш уйғотди. Олинган натижалар 14-расмда келтирилган.




13-расм. МТН қувватига (W, Вт) боғлиқ ҳолда 20⁰С да маҳаллий нефтларнинг СНЭларининг қовушқоқлигини (μ, мПа·с) ўзгариши: Жарқўрғон (1), Шўрчи (2), ва Жарқоқ (3) конлари




14-расм. МТН қувватига (W, Вт) боғлиқ ҳолда 20⁰С да маҳаллий нефтларининг қовушқоқлигини (μ, мПа·с) ўзгариши: Жарқўрғон (1), Шўрчи (2), ва Жарқоқ (3) конлари

Нефтлар қовушқоқлигини ўзгариш қонуниятлари эмульсияники билан деярли бир хил, яъни микротўлқинли нурланиш қуввати (W) 600 Вт гача оширилиб борганда 20 °С да барча нефт намуналари қовушқоқлиги (μ) пасайиб боради, аммо нурланиш қуввати (W) 600 Вт дан ортиши билан улар даярли ўзгармаслиги 14-расмдан кўриниб турибди.

Ишлаб чиқилган комбинацион усулда микротўлқинли нурланиш вақти ҳам бошқариш параметри ҳисобланади. Биз маҳаллий нефтларнинг 50 - % ли СНЭларига микротўлқинли нурланиш вақтини таъсирини ўргандик. Тажриблар аралаштиргичнинг айланиши 60 айл/мин ва ЎЮЧ-нурланиш 500 Вт да олиб борилди (15-расм).



15-расм. МТН вақтига (τ, мин) боғлиқ ҳолда 20⁰С Жарқўрғон (1), Шўрчи (2) ва Жарқоқ (3) нефтлари СНЭларини қовушқоқлигини (μ, мПа·с) ўзгариши



16-расм. МТН қувватига (W, Вт) боғлиқ ҳолда СНЭлар зичликлари фарқини (Δρ, г/см³) ўзгариши: Жарқўрғон (1), Шўрчи (2) ва Жарқоқ (3) конлари


Микротўлқинли нурланиш вақти (τ) 10 дақиқагача ортириш билан барча эмульсия намуналарининг қовушқоқлиги (μ) экспоненциал қонуният бўйича камайиб бориши 15-расмда кўрсатилган. Кейинчалик нурланиш вақтини (τ) 10 дақиқадан ортиб бориши эмульсияларнинг қовушқоқлигига деярли таъсир кўрсатмайди. Шундай қилиб, маҳаллий нефтларнинг СНЭларини 5-10 дақиқа давомида микротўлқинли ишлов бериш тавсия этилади, аммо ортиқ эмас.

Биз ЎЮЧ-ишлов беришни маҳаллий нефтлар СНЭларини зичликлари фарқига таъсирини ўргандик. Тажрибалар турли хил микротўлқинли нурланиш қувватларида (W) 10 дақиқа (максимал) давомида маҳаллий нефтларнинг 50 % ли СНЭларини микротўлқинли нурланиши орқали амалга оширилган (16-расм).


Микротўлқинли нурланиш қуввати 600 Вт гача ошириб борилиши билан Жарқўрғон кони (1) СНЭларни нефти ва суви зичликларининг фарқи ($\Delta\rho$) шундан далолат берадики, бундай шароитларда эмульсиялар қийин парчаланадиган туридан парчаланадиган турга яқинлашиши 16-расмдан кўриниб турибди. Шўрчи (2) ва Жарқоқ (3) конлари эмульсиялари ҳам қийин парчаланадиган кўринишга ўтади, бу юқори турғун СНЭларни деэмульгирлашда ЎЮЧ-нурланишдан фойдаланиш самарадорлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Маълумки, қудуқлардан нефт қазиб чиқаришда ва уни қайта ишлашга тайёрлашда турли-хил табиатли ва физик-кимёвий хусусиятларга эга эмульсиялар ҳосил бўлади, уларни кўпинча маълум бир ҳароратгача қиздиришга тўғри келади. Бундан ташқари, сувнинг иссиқлик ўтказувчанлиги нефтликдан катта фарқ қилади, бу СНЭ табиатини нефтсувли эмульсияга (НСЭ) ўзгартириши билан тасдиқланади.

Биз барчага маълум бўлган К-1 (ХХР) деэмульгаторини 40 г/т миқдорда ЎЮЧ- ускунада маҳаллий нефтларнинг юқори турғун СНЭ парчалаш орқали нефтларни деэмульгирлашни амалга оширдик. Эмульсияни ЎЮЧ-ишлов бериш турли қувватларда (W) 5 дақиқа мобайнида аралаштиргични 60 айл/мин айлантириш орқали амалга оширилди (17-расм).



17-расм. ЎЮЧ-нурланиш қувватига (W , Вт) боғлиқ ҳолда Жарқўрғон (1), Жарқоқ (2) ва Шўрчи (3) конлари СНЭ парчалаш вақтини ($\tau_{\text{пар}}$) ўзгариши



18-расм. ЎЮЧ-ишлов бериш вақтига ($\tau_{\text{иш}}$) боғлиқ ҳолда Жарқўрғон (1), Жарқоқ (2) ва Шўрчи (3) конларини СНЭларини парчалаш вақтининг ($\tau_{\text{пар}}$) ўзгариши


ЎЮЧ-нурланиш қуввати (W) 300-600 Вт гача ошириш билан эмульсияни парчалаш вақти ($\tau_{\text{пар}}$) камайиб бориши 17-расмдан кўриниб турибди. Микротўлқинли нурланиш қувватини 600 Вт ошириш СНЭларни барча намуналарини парчалаш жадаллигига деярли таъсир кўрсатмайди (1-3 чизиқлар).

Албатта, ЎЮЧ-ишлов вақти ҳам маҳаллий нефтларни деэмульгирлашда асосий катталиқ ҳисобланади. Шунинг эътиборига олиб, биз микротўлқинли нурланиш вақтини ($\tau_{\text{ишл}}$) СНЭ парчалаш вақтига таъсирини ўргандик, бунда аралаштиргични айланиши 60 айл/мин, ЎЮЧ-ишлов бериш 600 Вт ва К-1 (ХХР) деэмульгаторини 40 г/т (назорат) бўлган (18-расм).


ЎЮЧ-ишлов вақти ($\tau_{\text{ишл}}$) 10 дақиқадан ортиши билан СНЭ намуналарини парчалаш вақти ($\tau_{\text{пар}}$) экспоненциал тарзда кескин пасайиши ва кейинчалик 7-8 дақиқадан сўнг ишлов бериш вақти ортиб бориши билан парчалаш даражаси деярли ўзгармайди, шу сабабли 7 дақиқадан кўпроқ вақт давомида ишлов

бериш мақсадга мувофиқ эмас, чунки бунда моддий ва энергия сарфи самарасиз сарфланади.

Маҳаллий нефтларни деэмульгирлашнинг кўрилиб чиқаётган жараёнида СНЭни тоннасига деэмульгатор сарфи ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли биз деэмульгатор сарфини (Q_d) Жарқўрғон, Жарқоқ ва Шўрчи конлари турғун СНЭларини парчалаш вақтига ($\tau_{\text{пар}}$) таъсирини ўргандик (19-расм), ЎЮЧ-нурланиш қуввати 600 Вт, аралаштиргичнинг аралаштириш тезлиги 60 айл/мин 5 дақиқа давомида.



19-расм. К-1 (ХХР) деэмульгатори миқдорига кўра (Q_d , г/т) Жарқўрғон (1), Жарқоқ (2) ва Шўрчи (3) СНЭларини парчалаш вақтига ($\tau_{\text{пар}}$) таъсири



20-расм. Турли аралаштириш тезлигида К-1 деэмульгатори ҳамда ЎЮЧ-нурланишда Жарқўрғон (1), Жарқоқ (2) ва Шўрчи (3) турғун СНЭлари парчаланиш вақтига ($\tau_{\text{пар}}$) таъсири


К-1 (ХХР) деэмульгатори сарфи 20 г/т бўлганда Жарқўрғон (1), Жарқоқ (2) ва Шўрчи (3) конлари турғун СНЭларини парчалаш деярли ўзгармайди (19-расм). Кейинчалик деэмульгатор сарфи 40 г/т гача ошириб борилганда маҳаллий нефтларнинг барча намуналарини парчалаш вақтини ($\tau_{\text{пар}}$) камайтиради. Бироқ кейинчалик деэмульгатор сарфини 50 г/т гача ошириб бориш деярли эмульсия парчаланиш вақтини ўзгартирмайди. Шундай қилиб, импорт қилинаётган К-1 деэмульгаторининг сарфи 30-50 г/т ораликда, бу маҳаллий нефтларнинг бундай юқори турғун СНЭларини анъанавий усулда парчалашда сарфланадиган деэмульгатор сарфига қараганда анча паст.

Комбинацион усулда юқори турғун СНЭларни парчалаш жараёни самарадорлигига аралаштириш жадаллиги ҳам таъсир кўрсатади. К-1 деэмульгатори ҳамда ЎЮЧ-нурланишни қўллаб юқори турғун СНЭларни парчалаш жараёнида ушбу масала ўрганилмаган. Шу сабабли биз юқорида айтиб ўтилган маҳаллий нефтларнинг юқори турғун СНЭларини К-1 деэмульгатори сарфи 50 г/т ҳамда 5 минут ЎЮЧ-нурланиш қуввати 600 Вт да ишлов беришда аралаштириш жадаллигини (аралаштиргичнинг айланишлар сони, “ n ”) парчалаш вақтига ($\tau_{\text{парч}}$) таъсирини ўргандик (20-расм).

Микротўлқинли нурланиш ҳамда К-1 деэмульгатори ёрдамида турғун СНЭларни парчалашда аралаштиргичнинг тезлиги 55-65 айл/мин бўлганда юқори самарадорликка эгаллиги аниқланган.

Маълумки, электрон микроскопик тадқиқотларни қўллаш Ўзбекистонда қазиб олинаётган СНЭларнинг морфологик маълумотларини тўлиқ ўрганиш имконини беради. Шунга боғлиқ ҳолда биз 242Е маркали электрон микроскоп (Чехияда ишлаб чиқилган) ёрдамида электрон-оптик шароитларда $1000\times$ маротаба катталаштириб маҳаллий нефтларнинг СНЭларини микро

расмларини олдик (21-расм), улар микроструктурани оптик бир хил эмаслигини характерлайди. Кўриниб турибдики кичик ўлчамли томчилар тенг тақсимланган (21 а-расм), улар СНЭга ЎЮЧ-ишловдан сўнг анча катталашади ва кўринишлари ўзгаради (21 б-расм). Бироқ бунда эмульсияда кичик томчилар сакланиб қолади, улар деэмульгатор ёрдамида парчалашда катталашади. Маҳаллий нефтларнинг турғун СНЭларини парчалашда ЎЮЧ-нурланишни қўллаш самарадорлигини 21 а ва 21 б расмларни қиёслаш орқали кўришимиз мумкин.



а)



б)

21-расм. Жарқўрғон конининг турғун СНЭсини 2450 МГц частотада ЎЮЧ-нурланишгача (а) ва кейинги (б) ҳолатиларининг электрон микро суратлари (6750-катталаштирилган)

Кўриниб турибдики, СНЭларни электрон-микроскопик тадқиқотлаш ундаги томчиларнинг локализацияси, ҳимоя қобикларининг қалинлиги, шунингдек ЎЮЧ-ишловдан кейин ушбу таркибий қисмларни ўрганиш имконини беради.

Диссертациянинг «Турғун сувнефтли эмульсияларни парчалаш учун деэмульгаторлар ва улар композицияларининг синтези» номли бешинчи бобда ПС ХЁКнинг алоҳида фракцияларидан Д серияли ноионоген деэмульгаторлар ва ПГдан ионоген деэмульгаторлар олиш, ҳамда ишлаб чиқилган деэмульгаторлар ва улар композицияларини тадқиқотлаш натижалари келтирилган.


Ўзбекистонда 30 дан ортиқ йирик ёғ-мой корхоналари фаолият кўрсатмоқда, бу корхоналарда йилига пахта соапстокидан (ПС) 30 тоннадан кўпроқ хом ёғ кислоталари олинади, улар асосида деэмульгаторлар олиш истиқболлари кенглигидан далолат беради.

Биз «Урганч ёғ» ОАЖда ишлаб чиқиладиган ПС ХЁКларининг тўйинмаган фракциялари асосида турғун СНЭ парчалашда фойдаланиладиган деэмульгаторлар олиш технологиясини ишлаб чиқдик.

ПС ХЁКларининг тўйинмаган фракцияларидан деэмульгатор олишнинг тавсия этилаётган схемаси 22-расмда кўрсатилган.

Жарқўрғон, Шўрчи ва Жарқоқ конлари турғун СНЭ парчалашдан сўнг нефтдаги қолдиқ сув микдорининг камлиги бу реагентлар ёрдамида нефтларни деэмульгирлаш жараёнидаги муваффақиятнинг муҳим кўрсаткичларидан бири бўлиб хизмат қилади.


Мой чиқиндиларидан, масалан дистиллят ёғ кислоталарининг куб қолдиғи – пахта гудронидан нефтларни сувсизлантириш ва тузсизлантириш учун ионоген СФМлар олиш бизнинг фикримизча истиқболли ҳисобланади, шу ўринда техник иқтисодий самарадорлик билан бирга госсипол қатронини утилизация қилишнинг муҳим экологик масаласи ҳам ечилади.



22-расм. ПС ХЁК линол-олеин фракцияларидан Д-1, Д-2 ва Д-3 деэмульгаторларини олишнинг блок-схемаси

Пахта гудронининг кимёвий таркибининг таҳлили шуни кўрсатадики, у 92-95 % ёғ кислоталари, 5-8 % госсипол ва унинг ҳосилалари, 1,5-2,5 % совунланмайдиган моддалар ва бошқа юқори дисперс механик аралашмалардан иборат. Пахта гудронини коллоид-кимёвий таҳлили шуни кўрсатадики, ушбу СФМнинг асосий кўрсаткичлари нисбатан паст бўлиши, бизни ишқор эритма масалан NaOH ёрдамида уни совунлаштириш йўли билан ноионоген СФМни ионоген СФМга айлантиришга ундади.


Умуман олганда пахта гудрони ёғ кислоталарини ишқор билан кимёвий ўзаро таъсирини қуйидаги тенглама билан ифодалаш мумкин:



Ушбу реакция 60-85 °С ҳароратда ва ёғ кислоталарини NaOH сувли эритмаси билан жадал аралаштириш орқали амалга оширилади. Амалиётда кўпинча икки хил турдаги совунсимон СФМ билан ишлашга тўғри келади – ўрта ва нордон. Нордон совунлар – бу ўрта совунларнинг ўзига хос молекуляр бирикмалари ҳисобланиб, ортиқча кислотага RCOONa эга.

Натрийли совунсимон СФМлар учун уч хил турдаги нордон совунлар мавжуд: 2RCOONa·RCOOH; RCOONa·RCOOH ва 2RCOOH·RCOONa.


Госсиполни ишқор (NaOH) билан кимёвий ўзаро таъсири қуйидаги формула билан ифодаланади:




Кўриниб турибдики пахта гудронини ишқор эритмаси билан совунлаштириш, масалан NaOH, турғун СНЭ сув томчисининг ҳимоя

қобилини парчалашни жадаллаштириш учун зарур бўлган юқори хўллаш, кўпик ҳосил қилиш ва ювувчилик хусусиятига эга бўлган совунсимон ионоген СФМ олиш имконини беради.

